
Ф.А. ОМАНОВА

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИ**

Ф.А. ОМАНОВА

**ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ
РИВОЖЛАНИШ МАРКЕТИНГ
СТРАТЕГИЯСИ**

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 677.21:339.138
КБК 37.230+65.304.22
О-57

О-57 **Ф.А. Оманова. Пахта тозалаш саноати ривожланиш маркетинг стратегияси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 248 бет.**

ISBN 978–9943–4347–8–3

Монография бозор ўзгаришлари чуқурлашуви ва иқтисодийetni модернизациялаш шароитида Ўзбекистон Республикаси пахта тозалаш саноатини барқарор ривожлантириш маркетинг стратегиясини шакллантириш муаммоларига бағишланган. Пахта тозалаш корхоналари маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг илмий-методологик ва услубий асослари тадқиқ қилинган. Пахта тозалаш саноати корхоналарини келгусида ривожлантириш маркетинг стратегияси самарали вариантларини танлашда экспертлар баҳоси усули ва математик формулаларни қўллаш зарурлиги назарий жиҳатдан, пахта тозалаш саноати корхоналарини келгусида ривожлантириш маркетинг самарали стратегияларини танлаш услуби асосида диверсификация стратегиясини қўллаш юқори самара бериши эса илмий жиҳатдан асосланган.

Мазкур монография ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари, мутахассислари ва маркетинглоглари, олий ўқув юрти талабалари, ўқитувчилари ва илмий ходимлари ҳамда ушбу соҳага қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 677.21:339.138
КБК 37.230+65.304.22

Тақризчилар: **Б.Б.Беркинов** – и.ф.д., проф.;
Б.Т.Салимов – и.ф.д., проф.;
Р.А.Исаев – и.ф.н., доц.

Мазкур монография Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий Кенгаши қарори (2014 йил 29 июндаги 11-сонли баённома) билан нашр этилди.

ISBN 978–9943–4347–8–3

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

КИРИШ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири оқибатида юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, республикамызда 2013 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки бутун иқтисодиёт ҳамда унинг тармоқлари юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат»¹.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, ички ва ташқи савдо шароитининг доимий ўзгариб бориши бозор муносабатларига ўтиш шарт - шароитини, унинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича ўрганишни тақозо этади. Ҳозирги вақтда республикамыз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим тармоқлардан бири саналган – пахтачилик мажмуи тараққиётига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу билан биргаликда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун пахта толасига чуқур ишлов бериш натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳукуратимиз жиддий эътиборини қаратмоқда. «Мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш даражасини танқидий таҳлил қилиш ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. 4-бет.

турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун кўшимча имтиёзларни кўзда тутадиган махсус қарор қабул қилиш керак. Бу борада, биринчи навбатда, маҳаллий хомашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор»².

Бинобарин, пахтачилик мажмуи ва уни қайта ишловчи турдош тармоқларда яқуний маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш муҳим вазифалардан саналади. Шу билан биргаликда, пахта тозалаш саноатида етарлича хомашё етишмаслиги сабабли мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан, ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози турли бозорлар конъюнктурасига ўз салбий таъсирини кўрсатаётган шароитда, маълум даражада келгуси ривожланиш жараёнининг ноаниқлигини кучайтираётган вазиятда, корхона мақсади ва вазифаларига жавоб берадиган, ички ва ташқи омилларга ўз таъсирини ўтказа оладиган муқобил ривожланиш стратегик вариантларни амалиётга муваффақиятли жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли маркетингнинг тамойиллари ва қоидаларини чуқур ўрганиш натижалари асосида пахта тозалаш корхоналарининг халқаро пахта бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлашни таъминлайдиган истиқболда ривожланиш маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири саналади.

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришида, умуман иқтисодиёт соҳаларида маркетинг стратегиясини шакллантириш муаммоларини ўрганиб чиқиш жараёнида муаллиф хориж ҳамда мамлакатимиз олим ва мутахассисларининг

² 2012 йил Ватинимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси [<http://www.press-service.uz/>].

стратегик менежмент ва маркетинг соҳасидаги кўп сонли назарий ва илмий-методологик ишлардан фойдаланди.

Мазкур монография бозор иқтисодиёти шароитида тез ўзгарувчан муҳитга мослашиш нуқтаи назаридан келгусида барқарор ривожланишнинг самарали халқаро маркетинг стратегияларини шакллантириш муаммоларининг кенг доирасини қамраб олади.

Унда саноат корхоналарида халқаро маркетинг стратегиясини шакллантириш, маркетинг фаолиятини самарали ташкил этиш, рақобатда устунлигини таъминлашга нисбатан концептуал ёндашувлар изчил баён этилган.

Монография ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари, мутахассислари ва маркетинглоглари, олий ўқув юрти талабалари, ўқитувчилари ва илмий ходимлари ҳамда ушбу соҳага қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

1-боб. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА МАРКЕТИНГНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Халқаро савдо ва савдо сиёсатининг ўзаро уйғунлиги

Халқаро савдо ва ташқи иқтисодий фаолият масалалари иқтисодий фанлар тизимида қадимгиларидан бири ҳисобланади. Ушбу фаолият масалалари дастлаб XV–XVIII асрларда меркантилистлар томонидан қараб чиқилган бўлиб, уларнинг фикрига кўра, ҳар бир мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш учун кўпроқ маҳсулот экспорт қилиниши ва камроқ маҳсулот импорт қилиниши лозимдир. Экспорт ҳамда импорт ўртасидаги тафовутни улар томонидан миллий бойликнинг соф ортган қисми, деб ҳисобланган.

Ушбу масалалар XVIII, XIX асрнинг буюк иқтисодчилари эътиборини ҳам тортган. Хусусан, ушбу масалалар билан XIX асрнинг Адам Смит, Давид Рекардо ва Джон Стюрт Милл каби етакчи иқтисодчилари шуғулланишган ва уларнинг бу соҳадаги илмий тадқиқот ишлари аҳамияти бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ.

Иқтисодий фанлар асосчиси Адам Смит меркантилизм назариясини қаттиқ танқид остига олади³. У ва унинг давомчилари эркин савдо ва халқаро савдо иштирокчиларининг барчаси учун муҳим ва фойдалидир, аммо хўжалик юритиш жараёнларига давлатнинг фаол аралашуви мамлакат иқтисодиёти учун зарарлидир, деб таъкидлашади.

Давид Рекардо Адам Смитнинг мутлақ устунлик назариясини ривожлантиради ва халқаро савдо ҳам икки

³Adam Smith. An Znguiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected Edition. Edited Wich an Introduction and Notes by Kathryn Sutpenland. – Oxford University Prees, 1988/ - 618 pp.

мамлакатдан бириси учун фойдали бўлади, агарда улардан бирортаси конкрет товар ишлаб чиқаришда мутлақ устунликка эга бўлмаса-да, деб кўрсатади.

Джон Стюарт Милл биринчи марта жаҳон бозорида нарх ўрнатишни тушунтиришда «талаб ва таклиф қонуни»ни таърифлаб берди⁴.

Ўзаро талаб назарияси базаси асосида Джон Милл томонидан оғзаки билдирилган фикр бўйича англиялик иқтисодчи Альфред Маршалл ҳозирги вақтда ҳам асосий бўлган ва халқаро савдо моҳиятини очиб берувчи умумий мувозанат моделини яратди⁵. У томонидан яратилган истеъмолчининг ортиқчалиги ҳақидаги тушунча халқаро савдонинг тақсимот самарасини таҳлил қилишда муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда.

XX асрнинг кўплаб буюк иқтисодчилари – Хекшер, Бартил Олин, Жейм Мид, Пол Самуэльсон, Василий Леонтьевлар томонидан ҳам халқаро савдо муаммолари атрофлича ўрганилган.

Шведциялик иқтисодчилар – неоклассик Эли Хекшер ва унинг шогирди Бартил Олиннинг тадқиқотлари XX асрнинг 20-йиллари ўртасида халқаро савдо назарияси соҳасида ҳақиқий янгилик бўлди. Улар томонидан Хекшер-Олин назарияси деб ном олган халқаро савдо назариясини яратдилар. Ушбу назарияга биноан ташқи савдонинг таркиби ва жуғрофий йўналиши мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан касбий таъминланганлиги аниқланади. Ушбу назариянинг муҳим томони фақатгина бу эмас, балки унинг асосида мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан таъминотини ўзгартириш орқали ташқи савдо фаолиятини ўзгартиришга олиб келадиган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга ҳам ёрдам беради.

⁴ Mill, John Stuart. On Liberty and other Essays. Edited Wihm an Introduction and Notes by John Gray. – Oxford University Press, 1998.

⁵ Alfred Marshall. Principles of economics.a

Хекшер-Олин назариялари кузатиш ва интуицияга асосланган фикрлашга таянган бўлса, Самуэльсон томонидан математик исботлаш йўли танланади. У Хекшер-Олин назарияси асосий жиҳатларини қатъий исботлашга имкон берадиган қаттиқ жиҳатларни киритади⁶.

Пол Самуэльсон ва Рональд Джонс илмий ишларида мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлиги ва ташқи савдо ўртасидаги ўзаро алоқалар каби масалаларнинг ўрганилмай, балки жамиятнинг ҳар хил ижтимоий гуруҳлари ўртасида тушум тақсимотига савдо муносабатлари ўрнатилиши таъсир доиралари кабилар ўрганилган⁷. Ушбу масалалар савдо сиёсатини амалга оширишда ўта муҳимлиги билан ажралиб туради.

Халқаро савдо назарияси ва таҳлили воситалари ривожланишига австралиялик иқтисодчи Готтфрит Хэбэрлер муносиб ҳиссасини қўшган. Жумладан, унгача барча тадқиқотчилар томонидан ўзгармас, деб ҳисобланган муқобил нархларнинг ўзгарувчан бўлишлигининг халқаро савдо моделига киритиб, фақатгина меҳнат омили эмас, балки бир қанча ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси концепциясини таклиф этди. Бу орқали халқаро савдо назарияси реал ҳолатга яқинлаштирилди⁸.

Таниқли Америка иқтисодчиси Пол Кругман ишларида ҳозирги вақтда халқаро савдонинг бир қанча тенденцияларини тушунтириш имкониятини бермайдиган масштабда иқтисод бўлган монополистик рақобат ва савдонинг бир қанча бошқа моделлари амал қилиши шароитида ташқи савдо масалалари тадқиқ қилинган⁹. Унинг бир қанча тадқиқотларида савдо сиёсатининг оқибатлари таҳлил қилинади ва

⁶ Arthur Lewis Economic Development With Unlimited Supplies of Labour. – Manchester School, May, 1954.

⁷ Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected Edition. Edited with an Introduction and Notes by Kathryn Sutpenland. – Oxford University Press, 1988/ - 618 pp.

⁸ Gottfried Haberlar, Alfred W. Stonier: Frederic Benham. The theory of international trade With its applications to Commercial policy. – London, W Dodge and Company, limited, 1936.

⁹ Corden, W Max. The Theory of Protection. – Oxford: Clarendon Press, 1971.

протекционизмга қарши эркин савдонинг устунлиги асослаб берилади¹⁰.

Ягдиш Н. Бхогвоти маълум бир шароитларда экспортга йўналтирилганликнинг ошиши савдо шароитининг етарлича ёмонлашувига олиб келишлигини, натижада реал даромад пасайиши келиб чиқишлигини исбот қилди¹¹. У томондан кўплаб ўз тадқиқотларида протекционизмга «Ҳа» ёки «йўқ» нинг асосий аргументлари, савдо сиёсати ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлиги масалаларини ўрганган. Унинг бу каби тадқиқотлари эркин савдони кучайтириш бўйича бир қанча таклифлар ишлаб чиқиш билан якунланади¹².

Харри Джонсоннинг экспортга йўналтирилганлик ва импорт ўрнини босишнинг ўсишлари ўртасидаги фарқни ўрганишга бағишланган ишларида импорт тарифларини келтириб чиқаришга олиб келадиган бозор хатоликлари иқтисодий ўсишнинг пасайишини келтириб чиқаришини кўрсатиб берган¹³.

Америкалик олим Майкл Портер рақобат стратегияси концепциясини ишлаб чиқди¹⁴.

Унинг таъкидлашича, «халқаро бозорда мамлакатлар эмас, балки фирмалар рақобат кураши олиб борадилар. Шунинглаш лозимки, ушбу жараёнда мамлакат ролини кўрсатишда фирма рақобатда устунлик яратади ва сақлаб қолади». Корхона диққат-марказида нафақат харидорлар эҳтиёжини қондириш, балки халқаро бозордаги рақобат кучлари ҳам туради.

¹⁰Deepak hai and Sarath Rajapatirana. Foreign Trade Regims and Economic Growth in Developing Countries. – The Wored Bank Research Observer. 1997.

¹¹ Bhagwati, Fagdich and Vivek H. Denejia. Freer Trade and Wages of the Unskilled. – Is Marx Striking Again. In: Fagdish N. Bhagwati and Marvin Kusters, ads Trade and Wages: Leveling Wages Doeovn? – Washington D.S. : American Enterprise Institute, 1994. pp. 36-75.

¹² Bhagwati, Fagdich. Protectionism. – Cambridge, MA: MIT Press, 1988.

¹³ Mill, John Stuart. On Liberty and other Essdus. Edited Wihn an Introduction and No tes by John Gray. – Oxford University Press, 1998.

¹⁴ Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международная отношения, 2007. – 896с.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/106> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/106> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/106>